



Америка Кўшма Штатларининг Кентукки штатида ўк-ёй ёки найза билан балик овлаш тақиқланган.

Гери шаҳрида (Индиана штати) саримсок егач тўрт соат ичида жамоат транспортига чиккан одам жарима тўлайди.

Бутун Калифорния штати худудида сичконга копкон кўйиш учун овчилик гувоҳномаси бўлиши шарт.

Алабаманинг Жаспер шаҳрида эр ўз хотинини калтаклаш ҳуқуқига эга, фақат таёк йўгонлиги жимжилोक йўгонлигидан ошмаслиги керак.

Дунёда энг илгор саналган АКШ аҳолисининг 20 миллиони ўқиш-ёзишни билмайди, 30 миллионга яқини эса фақат бошлангич маълумотга эга.

АКШнинг Огайо ва Калифорния штатларининг кўчалари ва жамоат жойларида одамларни уларнинг розилигисиз фото ёки камерада суратга тушириш беш юздан минг долларгача жарима билан жазоланади.

Аризона штатида меҳмонхонада унутиб қолдирилган буюм ёки пул бир йилу бир кун сакланади, агар шу муҳлат ичида эгаси олиб кетмаса, у меҳмонхона мулкига айланади. Вашингтон яқинидаги Дўстлик тепалиги шаҳарчасида яшовчи кашандаларга шахсий уйларида ташқари ҳамма жойда чекиш тақиқланган.

Америка Кўшма Штатлари ўзига хос пазандачилик санъати ва миллий таомларига эга бўлмаган дунёдаги ягона мамлакатдир.

АКШда хайвонлар учун мингдан ортиқ сартарошхона ишлаб турибди.

Хозир АКШда ҳар 16 талабага биттадан ўқитувчи тўғри келади.

Нью-Йоркда ҳар йили 300 киши каламуш тишлаб олганидан, 1500 киши одам тишлаб олганидан тиббий ёрдам муассасаларига мурожаат қилади.

АКШ аёлларининг 95 фоизи турмушга чиқаётиб кизлик фамилиясидан осонгига ўзгартиришни ёқтиришмас экан.

АКШда ўтказилган савол-жавоблардан маълум бўлишича, америкаликларнинг 90 фоизи ишхонада ва уйда мунтазам ёлгон ишлатар экан. Хатто АКШ президенти Жорж Буш (кичиги) Ирок уруши давридаги бир йил ичида бўлган расмий учрашув ва баёлотларда

922 марта ёлгон гапирган.

Голливуднинг кекса киноюлдузи Элизабет Тейлор умри давомида тўккиз марта эрга теккан, охириги турмушга чикканида ёши саксондан ошган эди.

Оддий америкалик бир хафтада ўртача ўттиз бир соатни телевизор каршисида ўтказади. Америкалик ўкувчилар мактабни битиргунча “зангори экран” оркали саккиз мингта котилликни кўришади.

АКШда бир йил ичида ўртача ўттиз минг киши котиллик курбони бўлади. Бу мамлакатда содир этилган жиноятларнинг бор-йўги 22 фоизигина очилади.

Нью-Йоркда хар куни ўртача 40 мингта калбаки доллар ушлаб қолинади.

АКШ ахолисининг 62 фоизи ортикча семириб кетишдан, 44 миллион киши турли хасталиклардан азоб чекади.